



ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ МИЛЛИЙ СОЛИҚ ТИЗИМИГА УЙҒУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўтаганов Анвар Нурхонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0008-5480-1221

anvar.otaganov@soliq.uz

Аннотация. Ушбу мақолада солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва таълимни яхшилаш, солиқ тизими ва тартибларини соддалаштириш, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида самарали алоқа каналларини ривожлантириш солиқларни ундириш механизмларини такомиллаштириш. Бундан ташқари, адолатга бўлган ишонч ва идрокни шакллантириш ва самарали мажбурулов чораларини қўллаш ҳам мувофиқликни ошириши муносабатларни ривожлантириш тенденцияларини назарий ва амалий жиҳатлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: маҳаллий солиқ, мулкнинг бозор қиймати, кадастр қиймати, шахсий карточка, солиқ элементлари, бюджет салоҳияти, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджетлар харажатлари, маҳаллий солиқлар, солиқ имтиёзлари.

ВОПРОСЫ ГАРМОНИЗАЦИИ МЕХАНИЗМА ВЗЫСКАНИЯ НАЛОГОВОЙ ЗАДОЛЖЕННОСТИ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ С НАЦИОНАЛЬНОЙ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМОЙ

Отаганов Анвар Нурханович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Данная статья направлена на совершенствование механизма сбора налогов, улучшение обслуживания и образования налогоплательщиков, упрощение налоговой системы и процедур, развитие эффективных каналов связи между налогоплательщиками и налоговыми органами, совершенствование механизмов сбора налогов. Кроме того, выделены теоретические и практические аспекты тенденций развития отношений, заключающиеся в том, что формирование доверия и восприятия справедливости, а также использование эффективных мер принуждения также повышают соблюдение требований.

Ключевые слова: местный налог, рыночная стоимость имущества, кадастровая стоимость, личная карта, налоговые элементы, бюджетный потенциал, местный бюджет, расходы местного бюджета, местные налоги, налоговые льготы.

ISSUES OF HARMONIZING THE MECHANISM OF TAX DEBT COLLECTION IN FOREIGN COUNTRIES WITH THE NATIONAL TAX SYSTEM

Otaganov Anvar Nurkhanovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article aims to improve the tax collection mechanism, improve service and education for taxpayers, simplify the tax system and procedures, develop effective communication channels between taxpayers and tax authorities, and improve tax collection mechanisms. In addition, the theoretical and practical aspects of the relationship development trends that the formation of trust and perception of justice and the use of effective coercive measures also increase compliance are highlighted.*

Keywords: *local tax, market value of property, cadastral value, personal card, tax elements, budget potential, local budget, local budget costs, local taxes, tax credits.*

Кириш.

Бюджет даромадлари шакиллантиришда солиқлар асосий ўринни эгаллайди. Шундай экан, бюджет даромадларини ўз вақтида, тўлиқ, турли зиддиятларсиз, қонуний йўллар билан шакиллантириш керак. Бунда солиқ тўловчилар томонидан ҳисобланган солиқ ва тўловларни ундирилиши катта ахамият касб этади. Бугунги кунда ҳисобланган солиқ ва тўловларни тўламасдан боқиманда ҳолатига тушган солиқ тўловчилар кўпайиши танланган мавзунинг нақадар долзарблигини ифода этади. Шунинг учун бугунги кунда, солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги бўлган қарзини камайтириш республикада солиқ органлари олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар солиқ тизими фаолиятининг янада очиқ бўлиши, солиқ юкининг йилдан-йилга камайтириб борилиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва ривожлантириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатбардошлигининг янада ошишига қаратилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев тўхталиб, “барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур”лиги таъкидланиб, солиқ тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида “тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш лозим” ва “Самарасиз солиқ механизмларини қўллаш оқибатида вужудга келган солиқ қарздорлигидан воз кечганимиз ҳисобидан бизнес ихтиёрида 2 триллион сўм қолди.”, ҳар бир ходим томонидан “Солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, солиқ идораларининг назорат функцияларини такомиллаштириш юзасидан жиддий чораларни амалга оширишимиз зарур.” деган мақсадли вазифани аниқ дастурлар асосида бажариш мамлакатимизда солиқ маъмуриятчилиги тизимини янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланмоқда. Бундан ташқари бу борада давлатимиз раҳбари “2019 йилдаги янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилганлиги, натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди.

Адабиётлар шарҳи.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилигида жорий этилган солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш йўллари мавзусига оид қисқача адабиётлар шарҳини келтирамиз.

Sabine Freizer томонидан “Ўзбекистонда солиқ маъмурияти ислоҳоти ва фискал назорат” (2006): Ушбу тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилишнинг умумий кўринишини беради ва солиқ йиғиш механизмларини

такомиллаштириш муаммолари ва имкониятларини ёритади. Муаллиф солиқларни ундириш жараёнини яхшилашга солиқ тўловчиларни ўқитиш ва тушунтириш ишларини яхшилаш, шаффофлик ва масъулиятни ошириш, солиқ маъмуриятчилиги тизимини модернизация қилиш орқали эришиш мумкинлигини таклиф қилади.

Tigran Poghosyan ва Evgeniya Kolomak (2013) томонидан “Ўтиш давридаги мамлакатларда солиқ ислохотларининг солиқ қонунчилигига таъсири: Ўзбекистондан олинган далиллар”. Муаллифларнинг фикрича, солиқ тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва солиқ ставкаларини пасайтиришга қаратилган солиқ ислохотлари солиққа риоя этиш ва даромадларни йиғишни ошириши мумкин.

Sanjay Kumar ва Tigran Poghosyan томонидан “Ўзбекистонда солиққа риоя қилишни яхшилаш: адабиёт ва халқаро тажрибадан сабоқлар” (2019): Ушбу тадқиқотларда солиқ қонунчилигига риоя қилиш бўйича адабиётлар ва солиқ йиғиш механизмларини такомиллаштириш бўйича халқаро тажрибаларни кўриб чиқади. Муаллифлар солиққа риоя этишнинг самарали стратегиялари солиқ тўловчиларни ўқитиш, солиқ тартиб-қоидаларини соддалаштириш, самарали ижро этиш ва қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий ва тартибга солувчи муҳитни ўз ичига олувчи комплекс ёндашувни талаб қилади.

Маҳмуд ва Жейн томонидан “Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш: рискга асосланган аудит учун мисол” (2018): Ушбу мақола Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини кучайтириш учун рискга асосланган аудит ёндашувини таклиф қилади. Муаллифлар таваккалчиликка асосланган аудит юқори хавфга эга бўлган солиқ тўловчиларни йўналтириш ва қонунбузарликларни самаралироқ аниқлаш орқали солиқ қонунчилигига риоя этиш ва даромадларни йиғишни яхшилаш мумкинлигини таклиф қилади.

Зияев, ва Хужақуловлар томонидан “Ўзбекистонда солиқ ислоҳоти ва даромадларини мобилизация қилиш” (2018): Ушбу тадқиқотларида Ўзбекистонда солиқ ислохотларининг даромадларни мобилизацияга таъсирини ўрганади. Муаллифларнинг аниқлашича, солиққа тортиш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ставкаларини пасайтириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган солиқ ислохотлари солиқ тушумларининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Жоел Слемрод (2007) томонидан “Солиқ талабларига риоя қилишни яхшилаш: адабиётларни кўриб чиқиш”: Бу тадқиқот солиқ қонунчилигига оид адабиётларга умумий нуқтаи назарни беради ва самарали солиқ йиғиш механизмлари мажбурий чоралар, рағбатлантириш ва таълим дастурларини бирлаштиришни талаб қилади. Муаллиф, шунингдек, солиққа тортиш тизими ва тартиб-қоидаларини соддалаштиришнинг муҳимлигини ҳам муҳокама қилади.

Ричард Бирд ва Эрик Золтлар томонидан “Солиқ тўловчиларга яхшироқ хизмат кўрсатиш ва таълим орқали солиқ йиғишни яхшилаш”(2005): Ушбу ҳужжат солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва таълимни яхшилаш солиқ йиғишни оширишнинг самарали усули бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Муаллифлар солиқ тўловчиларга аниқ ва содда маълумотларни тақдим этиш, солиқ шакллари ва тартибларини соддалаштириш, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида самарали алоқа каналларини ривожлантиришни тавсия қилади.

Бенно Торглер томонидан “Солиқ қоидаларига риоя қилиш: адабиётларни кўриб чиқиш” (2002): Ушбу тадқиқотчи томонидан солиқ қоидаларига риоя қилиш бўйича адабиётларни кўриб чиқади ва мувофиқлик хулқ-атворига таъсир қилиши мумкин бўлган бир қанча омилларни, жумладан ҳукуматга ишонч, адолатни англаш, жарималар ва жазолар даражасини белгилайди. мажбурлаш чоралари. Муаллифнинг таъкидлашича, ишонч ва адолат ҳақидаги тасаввурни яхшилаш мувофиқликни ошириши мумкин.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Кўпгина хорижий мамлакатларда солиқ қарзларини ундириш миллий солиқ органлари ёки давлат идоралари томонидан тартибга солинади. Жараён одатда бир неча босқичларни ўз ичига олади. Қарз ҳақида хабар бериш жараёнида солиқ органлари солиқ тўловчини унинг қарзи тўғрисида хабардор қилади. Хабарнома почта ёки электрон почта орқали юборилиши мумкин. Музокаралар ва келишувларда қарзни ҳал қилиш учун солиқ органи ва солиқ тўловчи ўртасида музокаралар олиб бориш мумкин. Бундай ҳолда, шартнома орқали чегирмалар, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки қарзни тўлаш қўлланилиши мумкин. Маъмурий чоралар қўллаш орқали агар келишувга эришилмаган бўлса ва қарз тўланмаган бўлса, солиқ органлари маъмурий чоралар кўришлари мумкин. Бунга жарималар, ҳисобварақларидаги маблағларни олиб қўйиш ёки солиқ тўловчи активларини блокировка қилиш киради. Суд ҳаракатлари бўйича эса баъзи ҳолларда солиқ органлари солиқ қарзларини ундириш учун судга мурожаат қилишлари мумкин. Бу активларни тортиб олиш ёки бошқа қарзларни ундириш чораларини кўриш учун прокуратура ва ижро процессига олиб келиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, солиқ қарзлари ва санкцияларни ундириш тартиби ҳар бир мамлакатда фарқ қилиши мумкин. Ҳар бир алоҳида мамлакатда қарзни ундириш жараёнини тартибга солувчи солиқ қонунлари ва қоидалари мавжуд.

Чет давлатларнинг солиққа тортиш, солиқ ундириш усулларини ҳамда солиқ қарзларини камайтириш йўллари урганиш ва уларнинг ижобий томонларини мамлакатимиз солиқ тизимига қўллаш, шунга асосан солиқларни ундириш механизмини оптималлаштириш ва солиқ қарзларини камайтириш йўллари такомиллаштириш илмий иш мавзусини долзарблиги ҳисобланади. Ривожланган давлатларнинг солиққа тортиш, солиқларни ундириш, солиқ қарзини камайтириш ҳамда солиққа тортиш жараёни хорижий мамлакатларда амалда бўлган солиқ тизими Р.Гильфердинг (Германия), Дж. С.Миллинг (Франция) асарларида ўз аксини топган. Рус иқтисодчи олимларидан М.Романовский, Н.Сычев ва Т.Юткина (налоги и налогообложение)нинг хорижий мамлакатлар солиқ тизимига оид солиққа тортиш, солиқларни ундириш усуллари ва улар орқали юзага келадиган муаммоларни ўз асарларида ёритган. Солиқ маданияти даражасини оширишга йўналтирилган солиққа оид қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш керак, бироқ бу ягона ҳам мураккаб ҳам эмас. Албатта, биринчи навбатда солиққа оид қонун ҳужжатларини, хусусан солиқ маъмурчилигига оид қонун ҳужжатларини ҳамда локал меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш зарур. Канадада солиқ қарзини вужудга келишини олдини олиш мақсадида давлат биринчи навбатда интизомсиз солиқ тўловчиларга нисбатан уларнинг солиқ қарзни ундириш борасида аниқ ва ҳар бир ўзига хос жиҳатини ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга эътибор беради. Японияда эса солиқ тўловчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш, ахборот ва хабардор қилишга йўналтирилган бутун бир давлат дастури мавжуд бўлиб, солиқларни ихтиёрий тўлаш маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хорижий олимларнинг қарашларини ўрганганимизда бир қатор илмий асосланган фикрларни диссертация ишининг биринчи бобида таҳлил қилганмиз. Асосан, физиократлар таълимотининг асосчиси Франсуа Кене (1986) “Давлат харажатларини қоплашда солиқ ундириш йўналишида ер егаларидан ундириладиган солиқ ва уй ёки кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадларни солиққа тортиш орқали давлат харажатларини қоплаш йўлларида бири сифатида еътироф етган.

Франсуа Кене (1986 й.) бундай даромад олиш усули солиқ тўловчи учун ортиқча харажат ва оғир меҳнатга асосланмаган фойдани ташкил қилишини таъкидлаб ўтди”.

Америкалик сиёсий иқтисодий соҳа бўйича олим Герберт Саймон (1995й.) “Ижарага берилган объектлар учун уларнинг ер ва кўчмас мулк учун солиқ суммасини ундириш уларнинг ҳақиқий ижара қийматидан олиниши кўчмас мулкка бўлган талабни

ва ижара ҳақи тўловларини пасайишига хизмат қилади деб таъкидлаб ўтди” .

А.П.Абрамов (1993 й) “Жисмоний шахслардан солиқларни ҳисоблаш ва ундириш усуллари: манбадан ушлаб қолиш, декларация бўйича ўз-ўзини ҳисоблаш, кадастр усулида ундиришда ҳисоб-китобларни аниқ белгилашдан иборат. Уларни такомиллаштириш йўналишлари, солиқ маъмурияти жараёнини бирлаштириш, солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш жойида шахсий даромад солиғини олиш, мулкни сотишдан олинadиган даромад солиғи маъмуриятини такомиллаштиришдан иборат” деб, ўз фикларини келтириб ўтган.

М.Г.Делягин (2022 й) “Жамиятнинг ўзбошимчалик ва талон-тарож қилганларга бўлиниб кетишини бартараф етиш, бозор муносабатларини маданиятли тарзда мустаҳкамлаш учун жисмоний шахслардан компенсацион солиқларни ундиришни жорий етишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди . Олим, давлат мулкнинг биринчи харидорлари сотиб олиш ва бозор қиймати ўртасидаги фарқни бюджетга тўлашни таклиф қилади. Бу, бир томондан, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириш орқали бюджет тақчиллигини камайтиш, иккинчи томондан, жамиятдаги ижтимоий кескинликни юмшга олиб келишини таъкидлаган, чунки иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кўра, аҳолининг турли ижтимоий қатламлари орасидаги даромадлар фарқи аҳолининг ўнлик гуруҳларида тақсимлаш(десил коэффициенти — бой фуқароларнинг 10% ва камбағалларнинг 10% даромадларининг нисбати) жуда катта фарқ (16:1) нисбатида кўринмоқда. Бундан ташқари, бу хусусий мулкни қонунийлаштириш имконини беради.

Жаҳон амалиёти назарияси солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш адолатли ёндашув бобида урли нуқтаи назарга эга. Ана шундай қарашларнинг бирига кўра қарздор корхоналарни “нафас ростлаши” учун маълум имкониятлар яратилиши корхонанинг қайтадан “оёққа туришини” таъминлашга ёрдам беради.Бундай тажриба кўпроқ солиқ тўловчининг манфаатлари учун ишлайдиган ривожланган мамлакатларга тегишлидир.Масалан, Англияда қарздор корхонанинг қарзини ундириб олиш учун судга мурожаат қилинганда, қарз устига янги қарзлар қўйилмаслиги учун улар давлат божи тўловидан озод этилган. Шунингдек, Белоруссия ва Қозоғистонда солиқ қарзини ундиришни бир усули сифатида ундирувни қарздорнинг дебиторига қаратиш солиқ қонунчилиги нормасида мавжуд. Латвия давлатида дебитор қарздорликни ундириш жараёни 2 та босқичдан иборат бўлиб, судгача ва суд жараёнида ундириш тартиби белгиланган. Қоидага кўра, судгача бўлган жараёнда кутилган натижага эришилмаганда ёки қарздорлик миқдори юқори бўлганда кредитор судга мурожаат қилади.

Мамлакатимизда бу ҳуқуқ, қарздорликни қарздорнинг дебиторига қаратиш “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 46-моддасига (Мажбурий ижро этиш чоралари) асосан суд ижрочиларига берилган. Бу ҳолатда, солиқ қарзи бўйича ижро ҳужжатлари Мажбурия ижро бюрolariда мавжуд бўлиши керак, бу эса қарздорликни ундирилишида анча вақт талаб қилади. Республикаимизда, амалдаги қонунчиликда, хўжалик юритувчи субъектлар муносабатлари ўртасидаги низолар “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29-августдаги (670-1-сон) Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан (19-модда) суд тартибида кўриб чиқилиши кўзда тутилган.

Хорижий давлатларнинг солиқ тизимига назар ташлайдиган бўлсак, унда солиқларни ундириш усуллари алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳамда солиқ ундириш усуллари хилма хил равишда қўлланилишини кўришимиз мумкин. Америк Қўшма Штатлари. АҚШ солиқ қонунчилигида солиқлар ва пеняни тўлашдан бош тортган тақдирда қарздор солиқ тўловчининг барча мол-мулкига ва унинг мулкый ҳуқуқларига қаратишни назарда тутадиган қоида мавжуд.Мажбурий ундирувни қўллаш

олдидан кўпчилик мамлакатларда солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича қарзларини мустақил равишда узишларини сўраб билдирувнома олдиндан юборилади. АҚШ қонунчилиги ҳам солиқ органларидан қарздорларга белгиланган муддатларда тўлашни талаб этган ҳолда ана шундай билдирувнома юборишни талаб этади.

Россия Федерацияси. Россия қонунчилигида жисмоний шахсдан қуйидаги кетма-кетликда солиқ ундирилади: аввало банкдаги ҳисобварақларидаги пул маблағига, кейин навбат билан нақд пул маблағига, шартнома бўйича бошқа шахсларга, унга доир мулк ҳуқуқи ўтказилмасдан, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этишга берилган мол-мулк ҳисобига, агар солиқ тўлаш мажбуриятининг ижросини таъминлаш учун бундай шартномалар белгиланган тартибда бекор қилинган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, бошқа мол-мулк ҳисобига, жисмоний шахс ёки унинг оила аъзолари кундалик шахсий фойдаланиши учун мўлжаллангани бундан мустасно. Солиқ қарзи узилмаган тақдирда жисмоний шахслар учун бир қатор оқибатлар юзага келади. Чунинчи, давлат олдидаги мажбуриятини бажармаган РФ фуқаросини Россия Федерация фуқаролигидан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Канада. Канада қонунчилигида солиқ органлари судга мурожаат қилмасдан қарзни ундиришлари мумкин. Бироқ улар солиқ тўловчини мажбурий ундирув чорасини қўллаш ниятлари тўғрисида олдиндан огоҳлантиришлари ҳамда солиқ ва пеня тўлаш учун муддатни кечиктириш имконини беришлари керак. Янада қаттиқроқ мажбурлаш чораларини қўллаш учун солиқ органлари судга мурожаат қилиб, суд органлари билан ҳаракат қилади. Солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобига солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятлари ижросини таъминлаш учун аввало суднинг ҳал қилув қарорини олиш зарур, у кейин қарздорга тегишли бўлган мол-мулкка Ю қарз мажбурияти сифатида рўйхатдан ўтказилади. Суд муайян ҳолларда солиқ органларини хабардор қилмасдан туриб солиқ тўловчининг мол-мулкини трансферт қилишини таъқиқлайдиган ҳал қилув қарори ҳам чиқариши мумкин. Австрия, Аргентина, Бельгия, Бразилия, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Исроил, Испания, Италия, Кипр, Жанубий Корея ва Япония каби давлатлар қонунчилигида давлат буюртмаси бўйича шартнома тузишда солиқ қарзининг мавжуд бўлмаслиги асосий шарт бўлиб ҳисобланади. Австралия, Исроил, Италия, Индонезия, Корея, Малайзия, Нидерландияда солиқдан қарзи мавжуд бўлган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг раҳбарлари бошқа давлатларга саёҳатга боришларига чеклов ўрнатилган. Аргентина, Бразилия, Болгария, Венгрия, Греция, Кипр, Хитой, Жанубий Корея, Мальта, Португалия, Саудия Арабистони, Туркия қонунчилигига кўра солиқ қарзининг мавжудлиги қарздорга давлат хизматлари кўрсатилишини рад этишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Солиқ қарзини камайтиришда ҳам солиқ ставкаларини камайтириш орқали амалга оширмақда. Солиқ ставкалари камайганда солиқ юки камаяди, бу эса ўз навбатида оборот маблағларини кўпайишига ҳамда солиқ базасини кўшимча оборот ҳисобига кўпайишига олиб келади. Шу йўл билан солиқ ставкаси пасайиши оқибатида бюджет йўқотишлари қопланади. Россия Федерацияси тажрибасини кўриб чиқамиз. Ушбу давлат ҳақда яширин иқтисодиётда катта миқдордаги пуллар мавжуд бўлган ва фуқаролари ўзларининг даромадларини легаллаштиришга ҳаракат қилмаётган мамлакат деган фикр шаклланди. 2001 йилда Россияда солиқ ислохотлари ўтказилди ва айрим солиқларни йиғиб олишда ва ставкалар бўйича анча муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Солиққа янгича ёндашувлар солиқларни йиғиб олиш даражасига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида кўплаб гапирилди. Энг аввало, бу жисмоний шахслар даромад солиғи ва ягона ижтимоий солиққа (ЯИС) тегишли эди. Солиқларни камайтириш гоёсига солиқлар ва йиғимлар бўйича вазирлик раҳбари томонидан ҳар доим эҳтиёткорлик билан қараб келинган. Шунга қарамастан, унинг гувоҳлик беришича, 13%ли ягона ставкада жисмоний шахслар даромад солиғининг жорий этилиши ўзини тўла оклади ва 9 ой ичида у олдинги йилнинг шу даврига нисбатан 1,5

баробар кўп йиғиб олинган. Ягона ижтимоий солиқ бўйича ҳам топшириқ ошириб бажарилган (2001 йилдан бошлаб солиққа тортишнинг регрессив шкаласи бўйича). Фақатгина Пенсия жамғармасига деярли 328 млрд рубль маблағ келиб тушган. 2001 йилнинг 11 ойи ичида даромад солиғи бўйича жамланма бюджетга тушумлар 2000 йилнинг айна шу даврига нисбатан 49% га кўпайган, федерал бюджетга жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича тушумлар режаси 30%га ошириб бажарилган. 2001 ва 2002 йиллардаги Россия жамланма бюджетига турли ҳил солиқлардан тушган тушумлар ўсиш суръатининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, жисмоний шахслар даромад солиғи суръатлари таҳлил қилинган давр мобайнида барча турдаги солиқларнинг биргаликда олиб қаралгандаги ўсиш суръатидан 2 бараварга ошган. Натижада кўп даражада қазиб чиқариш ҳажмининг ошиши ва табиий ресурслар нархининг ўсишига (асосан нефтнинг дунё бозоридаги нархи кескин ўсиши) боғлиқ бўлган табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлардан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Россия Федерацияси ҳукумати солиқ ставкаларини келгусида янада камайтиришни режалаштирган. Кейинги йилларда ягона ижтимоий солиқни ундиришнинг регрессив шкаласини (ишчи қанчалик кўп маош олса, иш берувчи учун ЯИС фоизи шунчалик паст бўлади) сақлаб қолган ҳолда энг катта ставкасини 35,6% дан 26% гача камайтириш кўзда тутилган. 2004 йилда бирламчи аҳамият касб этган товарларга нисбатан амалдаги имтиёзли - 10% ли ставкани сақлаб қолган ҳолда, кўшилган қиймат солиғи ставкаси 2%га, яъни 18%гача пасайтирилган.

Россия Федерациясининг консолидация бюджетини 2022 йил февраль ойида солиқлар бўйича солиқ қарздорлиги 5,2% га яъни 253,9 млрд рублга камайган. Йил бошига таққослаганда солиқ қарздорлиги 3,6% га ошган, жумладан фойдали қазилмалар қазиб олганлик учун солиқлар 7,2% га, корхоналар даромад солиғи 33,3% га. Акциз бўйича солиқ қарздорлиги 7,2% га ошган, жумладан этил спирти хом ашёси (барча тури бўйича) 28,3% га, вина - в 2,3 баробар, пиво - 74,1% га, тамаки маҳсулотлари 70,6%га, 25% дан ортиқ этил спирти бўлган алкоголь маҳсулотлари (вино маҳсулотларидан ташқари) - 47,8% га. ҚҚС 7,4% га камайган бўлса, дизель ёқилғиси учун акциз солиғи 4,2% га, автомобиллар учун бензин - 38% га камайган. Солиқ ва йиғимлар пайдо бўлган вақтни инобатга олган ҳолда (жарима ва пенялардан ташқари), РФ бюджет системасига тушум 1 март ҳолатига 785,8 млрд руб., февраль ойида 0,5% га ошган. 1 январь ҳолатига қарздорлик 3,8% га ўсган, шу жумладан ҚҚС 2,8%га, фойдали қазилмалар қазиб олганлик учун солиқлар 6,3% га, корхоналар даромад солиғи 8,2% га, 25% дан ортиқ этил спирти бўлган алкоголь маҳсулотлари (вино маҳсулотларидан ташқари) 12,7% га, вино 30,1% га, пиво 22,3% га, тамаки маҳсулотлари 25,8% га ўсган. Жами акциз солиғи бўйича қарздорлик 1,4% га камайган, жумладан енгил автомобил ва мотоцикллар учун акциз солиғи 1%га, автомобиллар учун бензин 32,6% га, дизельёқилғиси учун 29,1% га камайган. Ягона ижтимоий солиғи 1 март ҳолатига 1 февраль ҳолатига солиштирилганда 0,9% га камайган, йил бошига таққослаганда 1,6%га камайган. Солиқ бўйича жарима ва пенялар 47,8 млрд рублни ташқил этади, шундан қарийиб ярмидан кўпроғи яъни 52,7 % миқдори ягона социаль тўлови бўйича қарздорликка тўғри келади. Лекин йил бошига солиштирилганда 0,5%га камайган. Кечиктирилган қарзлар РФ бюджет системасини 1 март ҳолатига 0,3 млрд. Рублни ташқил қилади, бир ойда 2,4%га камайган бўлса, 1 январь ҳолатига солиштирилганда 10,4% га камайган, бошқа қарздорликлар 14,9 млрд рублни ташқил этади. (умумий қарздорликнинг 1,9%зи) ва февраль ойида 4,5% га камайган, йил бошидан эса 5% га камайган.

Россия Федерациясининг маҳаллий бюджетларининг дефицитини муниципаль қимматли қоғозлар ҳисобидан қоплаш 2000 йилдаёқ Санкт-Петербург маҳаллий хокимияти томонидан амалга оширила бошланди. Ҳозирги кунда Россия Федерациясининг катта шаҳарлари ўз бюджетини дефицитларини шу йўл билан қоплашга

ўтилмоқда.

Хитойда солиқ қарзларини ундириш механизми бир неча босқичлардан иборат. Бу жараённинг асосий босқичларини келтириб ўтамиз. Хабарнома орқали Хитойдаги солиқ органлари солиқ тўловчининг манзилига солиқ қарздорлиги тўғрисида хабарнома юбордилар. Ушбу хабарномада қарз миқдори ва уни тўлаш муддати кўрсатилган. Чоралар кўриш орқали эса агар солиқ тўловчи белгиланган муддатда солиқ тўламаган бўлса, Хитой солиқ органлари қарзни ундириш учун турли чораларни кўришлари мумкин. Бунга банк ҳисобларини блокировка қилиш, пул маблағларини олиш, мулкни мусодара қилиш ёки мамлакатни тарк этишни тақиқлаш киради. Суд жараёнини ишга солиш орқали низо юзага келган тақдирда солиқ тўловчи ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Суд муҳокамаси, агар тегишли далиллар келтирилган бўлса, қарз миқдорининг ўзгаришига ёки солиқ даъволарининг бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Инкассация агентликлари орқали баъзи ҳолларда, қарз тўланмаган ҳолда, давлат идоралари қарзни ундириш учун ишни инкассация агентликларига топширишлари мумкин. Ушбу агентликлар ундиришнинг турли усулларида, шу жумладан қарздор билан алоқа қилиш, шартнома орқали қарзни тўлаш ёки суд ижрочиси ёки мулкни мусодара қилиш орқали ундириш усулларида фойдаланишлари мумкин. Солиқ қарзларини ундиришнинг ўзига хос тартиблари солиқ турига ва Хитойдаги минтақавий қонунларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Японияда солиқ қарзларини ундириш механизми Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. У мамлакатда солиқларни йиғиш ва бошқариш учун жавобгардир. Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятларини ўз вақтида тўламаса, Молия вазирлиги қарзларни ундириш учун турли чораларни қўллаши мумкин. Бундай ҳолларда турли хил процедуралар қўлланилади. Солиқ хабарномалари ва эслатмалари орқали Молия вазирлиги солиқ хабарномалари ва тўланмаган солиқ суммалари тўғрисида эслатмаларни юборади. Улар қарз миқдори ҳақида маълумотни ўз ичига олиши ва тўлов муддатларини таклиф қилиши мумкин. Пеня ва жарималарни қўллаш билан агар қарз ўз вақтида тўланмаса, Молия вазирлиги кечикиш учун жазо ва жарималарни ундириши мумкин. Солиқ қидирувини ишга солиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаган тақдирда, Молия вазирлиги солиқ қидирувини ўтказиш ҳуқуқига эга, унинг давомида яширин даромад ёки активларни аниқлаш учун солиқ тўловчининг молиявий ҳужжатлари ва мол-мулки текширилади. Ҳисобварақлардаги маблағларни олиб қўйиш орқали солиқ қарзларини ундиради. Бунла Молия вазирлиги солиқ тўловчиларнинг ҳисоб рақамларини музлатиш ва қарзларни тўлаш учун пул маблағларини олиш ҳуқуқига ҳам эга. Суд жараёнини қўллаш орқали Молия вазирлигининг талабларига рози бўлмаган тақдирда, солиқ тўловчи ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва солиқ қарорларига қарши чиқиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикасининг фискал сиёсати соҳасида чет эл тажрибасидан фойдаланиш нақадар муҳимлиги, шу билан бирга, солиқ сиёсатини амалга оширишда, хусусан, солиқ мажбуриятларини бажариш орқали солиқ қарздорлигини қисқартириш бўйича янги ва самарали воситаларини қўллаш имкониятлари кўриб чиқилди. Бунда қуйидагилар:

пенянинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу даврда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасининг уч олтмиш бешдан бирига тенг этиб қабул қилиниши;

солиқ органининг солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқини чеклашга доир ҳаракати солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида мол-мулкни хатлаш назарда тутилади.

Тадқиқ этилган мавзу юзасидан илгари сурилган илмий таклиф ва амалий

тавсиялар мамлакатимизда солиқ қарздорлигини камайтириш орқали давлат даромадларини шакллантиришда, солиқ маъмурчилигида солиқ қарзини мажбурий ундириш механизмларини янада такомиллаштириш жараёнларини жадаллаштиришда, хўжалик субъектларининг қонун билан белгиланган мажбуриятлари бажарилиши назоратини тўлақонли амалга оширишда сезиларли натижаларга эришиш имконини беради.

Адабиётлар:

Benno Torgler (2002) tomonidan "Solliq qoidalariga rioya qilish: adabiyotlarni ko'rib chiqish": https://www.researchgate.net/publication/228280659_Tax_Morale_and_Compliance_Review_of_Evidence_and_Case_Studies_for_Europe

Joel Slemrod (2007) [https://webuser.bus.umich.edu/jslemrod/JEL%20compliance % 207-13-17.pdf](https://webuser.bus.umich.edu/jslemrod/JEL%20compliance%207-13-17.pdf)

M.Mahmud va A.Jeyn (2018) tomonidan "O'zbekistonda solliq ma'muriyatchiligini kuchaytirish: riskga asoslangan audit uchun misol": <https://www.worldbank.org/en/news/press-release/2021/06/16/uzbekistan-continues-to-modernize-its-tax-administration-system-with-world-bank-support>

Richard M. Bird va Erik M. Zoltlar (2005) tomonidan "Solliq to'lovchilarga yaxshiroq xizmat ko'rsatish va ta'lim orqali solliq yig'ishni yaxshilash": <https://www.imf.org/uz/Publications/fandd/issues/2018/03/akitoby>

Sabine Freizer (2006) tomonidan "O'zbekistonda solliq ma'muriyati islohoti va fiskal nazorat": <https://documents1.worldbank.org/curated/en/542691624154434845/text/Uzbekistan-Tax-Administration-Reform-Project.txt>

Sanjay Kumar va Tigran Poghosyan (2019) olimlar tomonidan "O'zbekistonda solliqqa rioya qilishni yaxshilash: adabiyot va xalqaro tajribadan saboqlar": <https://cyberleninka.ru/article/n/the-prospects-of-improvement-of-the-legal-basis-of-tax-administration-in-the-republic-of-uzbekistan>

Tigran Poghosyan va Evgeniya Kolomak (2013) https://www.files.ethz.ch/isn/139068/643172_sa231.pdf

Ziyayev, J. va M. Hujaqulovlar (2018) tomonidan "O'zbekistonda solliq islohoti va daromadlarini mobilizasiya qilish": <https://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2019/10/71027.pdf>

Абрамов А.П. (1993) .Античные амфоры. Периодизация и хронология // Боспорский сборник. Вып. 3. М., С. 4–135

Деягин М. Г. (1693) Семь законов общественных трансформаций и главная задача социальной инженерии //Свободная мысль. – 2022. – №. 3. – С. 5-18.

Кенэ, Франсуа (1896) "Выбранные места."

Мирзиёев Ш.М. (2018) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, – 55 б.

Мирзиёев Ш.М. (2023) Тадбиркорлик ривожини янада юксак босқичга кўтариш – устувор вазифамиздир. Тошкент. // Халқ сўзи. 18 август.

Саймон Г. (1995) Теория принятия решений в экономической теории и науке о поведении. – В кн.: Теория фирмы. СПб.

Халқ сўзи. (2022) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. Тошкент. // 20 август